

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



БАРАКАЛИ ХИРМОН УЧУН

Урта Чирчиқ районидagi Куйбишев номи колхозининг Уринбой Пардаев бошлиқ бригада пахтакорлари юбилей йилида далаларда яхши ният билан тер тўқидилар. Улар 92 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» олишга қарор қилганлар.

Бригада деҳқонларининг меҳнат ва ташаббуси орасида пайкалларда мўл ҳосил тўпланди. Ҳозирги кунда колхозчилар йиғим-теримга киришмоқдалар. Барча техника ва асбоб-ускуналар сифатли ремонтдан чиқарилди.

Ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан теримга аҳд қилган пахтакорлар «зангори кема»ларини йиғим-теримга шай қилиб қўйдилар. Карта четлари ва пайкаллар «зангори кема»нинг яхши юриши учун қайта қўздан кеңирилади.

Пахтазорларда кўпроқ меҳнат бошланади. Эрта-киндги «Зангори кема»лар «оқ олтин» деңгизига суза бошлайдилар. Бригада азаматлари жасумини намунали ўтказиш иштиёқида ҳаракатни жадаллаштирмоқдалар.

П. ТОЖИЕВ.

К П С С
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
ИЮЛЬ
ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ



„ЗАНГОРИ КЕМА“ ЛАР ИШГА ТУШДИ

Оппок пахтазор деңгизига «зангори кема»лар суза бошладилар. Чаноклардан тўлиб-тошган лўппи пахталар машина ишини деҳқонлардан ўтиб бункерларни тўлдирмоқда. Ҳозиргина эгиз оралаб кетган машина дам ўтмай пулат еттакларидан зар тўқади. Рулда ўтирган механизаторнинг руҳи тетик. Чехрасида табассум жил-валанади. У ёз бўйи тер тўкиб қилган меҳнат меvasи мўл ҳосилни кўрганда гайратига-гайрат қўшилади.

Оқўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Нўлдош Аҳмедов бошлиқ бўлим пахта далаларида ана шундай қайноқ меҳнат бошланади. Азамат механизаторлар областда биринчи бўлиб машина теримга киришди. Улар етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиб олиш, бир грамм пахтанинг ҳам нобуд бўлишига аҳд қилганлар. Уларнинг шу кеча-кундузда кўрсатилган гайрати ўз сўзлари устида чирчишдан далолат бериб турибди.

Бўлимда учта «зангори кема»

бир йўла ишга тушди. Ана шу пулат отлардан бирини эвено бошлиқ Қўшқ Абдурахмонов бошқариб бормоқда. У бу йил ўз «зангори кема»сида 100 тоннадан ошириб пахта терим мажбуриятини олган. Қўшқ Абдурахмонов дастлабки кундан бошлаб белгиланган нормани 1,5—2 баравар ошириб, адо этмоқда. Унинг ердан қисми Рамазон Хусанов ҳам устоз билан тенглашишга ҳаракат қилапти.

750 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил қўтаришга бел болаган бўлим пахтакорлари йиғим-теримни уюшқонлик билан ўтказиш, зиммалаган мажбуриятини 1 октябрга қўзғатиш учун теримни қилишмоқдалар. Механизаторлар, колхозчи ва эвено бошқариш бундан имкониятини ана шу масъулиятли кампанияга, йиғим-теримга қаратмоқда.

Суратда: бўлим пахтазорларида ишлаётган «зангори кема»лар.

А. АБАЛАН фотоси.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Улкан хирмон учун курашган республикамиз пахтакорлари йиғим-теримни уюшқонлик билан олиб бормоқдалар. Йиғим-теримда Бухоро област пахтакорлари олдинга дадил иштилмоқдалар. Улар бир кунда 2,87 процент пахта тайёрлашга эришиб, шу кунгача йиллик планнинг 25,55 процентини миқдориди «оқ олтин» етказиб бердилар. Қашқадарь област пахтакорлари шу кунгача 15,64 процент пахта тайёрлашди. Шунингдек, Сурхондарё областда 3,03 процент, Фарғона областда 3,20, Хоразм областда 5,08, Андижон областда 4,36, Қорақалпоғистон АССРда 4,23, Наманган областда 2,60, Тошкент областда 0,96, Самарқанд областда 0,63, Сирдарё областда 0,49 процент пахта топширишди.

Республикамиз бўйича шу кунгача тайёрланган пахта 6,09 процентга етди.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ЛУВ
ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 1970 ЙИЛ
10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)		
Урта Чирчиқ	4,9	79,4
Янгиёул	3,3	50,0
Оқўрғон	2,7	45,5
Бўстонлиқ	2,3	40,7
Юқори Чирчиқ	2,7	37,3
Область бўйича	2,8	43,7

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
НИНГ ФАРМОНИ

И. В. МАРЦИНЮКНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет ва хўжалик органларида кўп йил ва самарали ишлаганилиги учун ҳамда тузилган кунгача олтинчи йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ивай Витальевич Марцинюк Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотланган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўринбосари А. АБДАЛЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. САХИБОВЕВ.

1970 йил, 10 сентябрь, Тошкент шаҳри.

ПАХТА ПЛАНИНИ 20-22 ИШ КУНИДА БАЖАРАМИЗ

Колхозимиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни юксалтириш, ҳосилдорлигини ошириш деҳқонларимизнинг асосий вазифасидир. Ана шу вазифани шараф билан бажариш, давлатга йил сайини қўлаб «оқ олтин» етказиб бериш йўлида барча резервлар ишга солинмоқда.

Деҳқонларимиз беш йилликнинг сўнги йилида гектар бошига олинмаган ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш, зиммалаган социалистик мажбуриятини бажариш учун курашмоқдалар.

Бу йил биз пахта экишида янги усулни қўладик. Колхоздаги пахта майдонининг 60 процентдан кўпроғи кенг қаторлаб экилд. Бу майдонлардаги гўзалар ҳосилдор бўлиб етилмоқда. Ҳозирги кундаги ҳисоб-китобимизга қараганда, майдонларда етиштирилган ҳосил мажбуриятни қоплайдиган даражада.

Деҳқонларимиз учун масъулиятли давр келди. Пахта йиғим-теримини уюшқонлик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида давлатга топшириш учун барча тадбирларни

Оқўрғон районидagi «МОСКВА» КОЛХОЗИ
ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ
УЮШҚОНЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН
БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

кўрмоқдамиз. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, планни 20—22 иш куниди бажаришга ва ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олишга қарор қилдик.

Шу кеча-кундузда машина теримига тайёрларлик ишлари қилини олиб борилапти. Машинага мўлжалланган карталар қайта қўздан кеңирилоқда. Терим машиналари, йўл ва кўриклар сифатли ремонтдан чиқарилган. Транспортлар, прицеп ва бошқа асбоб-ускуналар шай қилиб қўйилди. Дефолиацияни қисқа муддатда сифатли ўтказилди.

Хўжалигимиз пахтакорлари бу йил машина теримига катта эътибор бермоқдалар. Машина теримини майдонларда ҳосилнинг 60 процентини қийғос очилганда кейин бошлаймиз. Йиғим-терим кунларида 30 дан ортиқ «зангори кема» ишлайди. Биринчи теримни 10—12 иш куниди ўтказамиз.

Теримни бошлашдан олдин барча майдонлардаги гўзалар

қўздан кеңирилади. Баъзи бир пайкалларда кўсаги очилмай қолган гўзалар қайта дефолиация қилинади. Бир гектар майдон 25 килограмм мағний хлорат билан дориланади. Бу тадбир кўсақларнинг тез очилиши ва машина теримини сифатли ўтказишга имконият боради. Шунингдек, иккинчи ва учинчи теримда кўсақлар бир текис очилгач терим ўтказилди.

Иккинчи машина теримини 10 иш куниди тугаллаймиз. Машина терими билан бир вақтда подборщикларни ҳам ишга солаемиз. Ҳар иккита терим машинаси орасидан битта подборщик қўйилади. Бу пахтанинг қўлаб нобуд-бўлмаслигини таъминлайди. Шунингдек, кўрак тарадиган машиналарнинг унумли ишлашига йўл очилади.

Майдонларда барча ҳосил ва ерга тўқилган пахталар йиғиб-териб олинигач, кўрак тарадиган машиналар ишлайди. Подборщик ва кўрак тарадиган машиналарда ишланган ҳосил алоҳида-алоҳида қабул пунктларига жўнатилади. Бу пахтанинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Терилган пахталарни вақтида қабул пунктларига жўнатиш учун қирқта прицеп, 10 тракторли трактор, 9 та автомашина ва бошқа техникаларни ҳозирлаб қўйдик.

Дала шийлоқларида дам олгувчи механизатор ва пахтакорлар учун намунали хизмат кўрсатиш тадбирларини ҳам белгилаямиз.

Шунингдек, терим машиналари «техника тез ёрдами» маънасида хизмат кўрсатади. Колхоз устаконасининг кечаю-кундуз ишлаши таъминланади. Бу ишларни ўз вақтида амалга оширишда район «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва хўжалигимизни оталиққа олган Олмалик шаҳар 80-автобаза коллективи катта роль ўйнайди. Бу имкониятлар биринчи ўн куниди ҳар кун давлатга 6 процент, кейинги ўн куниди аса

4—5 процентдан пахта топшириш таъминлайди.

Биз машина теримини ҳар йилгидек бу йил ҳам гуруппа усулида ташкил этамиз. Битта картада бешта-олтита машина ишлайди. Кўп йиллик тажрибада шу нарса маълум бўлдики, терим машиналари ана шундай ишлаганда уларга техника хизмат кўрсатиш, механизаторлар учун оса маънасида бир йрим-иккитадан прицеп бириктирамиз. Ҳар бир прицепи пахта пунктига иккита мартаба олиб бориш таъминланади. Бу тадбир пахта ташиниш кийевер усулда ташкил этиш имконини беради.

Биз янгида механизаторлар ва эвено бошқариш билан меҳнатга ҳақ тўлашни ҳам келишиб олдик. Шунингдек, уларга маънавий хизмат кўрсатиш борасида ҳам бир қанча тадбирлар белгиланди.

Йиғим-теримда деҳқонларимиз янги тадбирни қўллашни мўлжалламоқдалар. Биз ҳар йили терим машиналарининг айланиши учун карта четлариди гўзаларни ўриб майдонга ҳосил қилардик. Бундан ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиб кетар эди. Бу йил карта четлариди гўзаларни ўрмасликка қарор қилдик. Бунинг ҳисобига ариқзо-вуруларни текислаймиз ва карта четлариди йўллардан фойдаланамиз. Ана шунинг ҳисобига пландан ташқари давлатга 150 тонна пахта берамиз.

Колхозимиз пахтакорлари йиғим-терим кампаниясини намунали ва уюшқонлик билан ўтказиш, машина теримини юқори сифатли қилиб олиб бориш учун барча имкониятларни ишга солимоқдалар. Беш йилликнинг сўнги йилини муваффақиятли аяунлаш, партияимизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун курашамиз.

И. ШУБЛАДЗЕ,
колхоз раиси.
Х. ОЛТОВЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.
М. МУРТАЗОВЕВ,
колхоз бош инженер.
Ш. КИВАРОВ,
колхоз бош агрономи.

ТАНК КОМАНДИРЛАРИ БИЛИМ ЮРТИДА Ўқиш БОШЛАНДИ

САМАРҚАНД. 10 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун қадимий Самарқанддаги танк командирлари тайёрловчи олий билим юртида ўқув йилининг бошланиши тантанали вазиятда нишонланди. Шу муносабат билан курсантларнинг паради ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов шахсий состав ҳузурида нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети

МУСТАФО ЧАЧИГА ЁДГОРЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустафо Чачи хотираси учун унинг буюстни ўрнатилиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Мустафо Чачи ССР Олий Советининг депутати бўлиб, «Ўзбекис-

Президиуми ва Министрлар Советининг табриқномасини ўқиб берди.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари К. М. Б. Белоножко курсантларини ўқитиб бошланганлиги билан табриқлади ва уларнинг жанговар ҳамда сийёси тайёргарлиқда муваффақиятларга эришувларини тилади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашдилар.

Пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кўп меҳнат қилган Мустафо Чачининг бюсти унинг қабрига ўрнатилади. (ЎзТАГ).

